

ТОҶИГ ҚОЛДУЗУ

№ 10
(65837)
21 март
СЕНАНБА
Соғунда эркин
парҳда.

Ўзбекистон балалари ва ўсмирларининг газетаси

Ассейлеж, Наврузи олам!



БИР ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

Балалар, Дания пойтахти Копенгаген шаҳрини географиядан яхши биласиз. Ана шу ерда дунёнинг 130 дан ортиқ мамлакатидан келган давлат раҳбарларининг ижтимоий тараққиёт масалаларига бағишланган учрашуви бўлди. Унда юртбошимиз Ислом Каримов ҳам қатнашиб, нутқ сўзлади. У тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, Орол фожиаси, муаммоси, Тожикистон ва Афғонистондаги воқеалар ҳақида гапириб, қатнашчилар эътиборини ана шу масалаларга жалб қилди.

Ҳар йили баҳорги мавсум бошланиши олдидан дала меҳнаткашларининг республика қурултойини утказиш аънава тусига кириб қолганидан хабарингиз бор. Пахтачилик, деҳқончилик, мевачилик, сабзавотчилик, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида тер тукиб ишлаётган ота-оналаримиз, ака-опаларимиз Тошкентда тупланишиб, утган йилги якунлар ва олдиларида турган янги вазифалар ҳақида суҳбатлашиб олишди.

Республикамиз Президентининг фармонида кўра кўп йиллик самарали хизматлари, ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришганликлари учун қишлоқ хўжалиги ҳамда касаба уюшмалари ходимларидан катта бир гуруҳи Фахрий унвонлар ва Фахрий ёрликлар билан тақдирланди. Биз уларни фарзандлик меҳри билан муборакбод қиламиз.

Шу ҳафтада Тошкентдаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон касаба уюшмаларининг навбатдаги қурултойи бўлиб ўтди. Президентимизнинг бу юксак анжуманга йўллаган табригини давлат маслаҳатчиси Хайрулла Журбаев ўқиб эшиттирди. Тупланганлар касаба уюшмаларининг низоми ва ҳаракат дастурини қабул қилишди, шу йил 26 март куни Президентлик ваколатлари мuddатини узайтириш буйича референдум утқазиш тўғрисидаги Олий Мажлис қарорини қизгин қўллаб-қувватладилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари ташкил топган куннинг 70 йиллиги кенг нишонланди.

Кун ҳамал буржидан
жой олган палла,
Гиеҳ лашкарига тушди
гулгула.
Тун ила кундузнинг хаво-
си бу чоқ,
Тенглашиб олмоққа кўтар-
ди байроқ.

Эрта тонгда боди сабою
шамол,
Дилдан губор олар, хотир-
дан малол.
Ҳаво баҳор ҳидин келти-
риб такрор,
Тупроққа равнақни айлағай
нисор.

МЕХНАТ ЗАВҚИ БЎЛАКЧА

— Салом менинг қадрдонларим! Эсон-омон қишладингизми? Яқиндагина нозик нав-нихол эдингиз. Енгил шабодада ҳам тебраниб турардингиз. Орадан йиллар ўтди. Шоҳларингиз ҳар тарафга тарвақайлаб, новдаларингиз йириклашди. Мана, яна сизу биз интизор кутган баҳор келди. Ям-яшил либосингизни кийиб болаларим кузларини қувнатинг, шириндан-шакар меваларингиз билан уларни сийланг. Меваларингиз бир-мазали-ки, улардан болажонларим тотинсалар, ёзнинг иссиқ кунларида соянгизда салқинласалар, кунглим тоғ баробар буйлаб кетади...

Биология ўқитувчимиз Ашраф ака боғимиздаги дарахтлар билан худди одамлар билан суҳбатлашгандек сузлашардилар. Биз авваллари бу ҳолни куриб, ҳайрон бўлардик: «Ахир дарахтлар одам эмаслар-ку, гапга тушунишса». Кейинчалик билдикки, мактабимиз янги қурилиб, ишга тушган йили Ашраф ака жуда кўплаб мевали ва манзарали дарахт кучатлари утказиб, каттагина боғ ташкил қилган эканлар. Ниҳолларни худди уз фарзандларидек меҳр билан ардоқлаб парваришлабдилар. Шу боисдан ҳам дарахтлар Ашраф ака учун жуда қадрдон бўлиб қолган экан. Кейинчалик биз ҳам дов-дарахтларга эътибор берадиган бўлдик. Астойдил қулоқ тутсангиз, дарахтлар охишта шивирлаб сиз билан саломлашгандек бўлишадди, гув.

— Наврузи олам нафақат хурсандчилик, уйинкулгу, балки меҳнат, яратиш ва янгилашни байрами ҳамдир. — дейдилар бизга доим усто-

зимиз. — Бахтиёр, Умиджон, Муроджон, юринлар ўғилларим боғимизга чиқайлик! Ахир баҳор кутиб турмайди, ишлаш керак...

Ашраф ака бошчилигида дастлаб боғимизни, гулзоримизни ҳазонлардан тозаладик, дарахт шоҳларини бутадик, кумилган атиргулларнинг тағларини юмшатиб, шакл бердик. Ҳар гал ишимиз якунида Ашраф ака бизни бир мuddат ёнларига чорлаб: «Қаранглар қандай чиройли, саранжом-саришта бўлиб қолди. Одамнинг қўли гўл, деб бежиз айтилмаганда! деб кўядилар. Бундай пайтларда чарчоғинг ҳам билинмай кетар экан.

Мана бугун халқимизнинг азиз ва ардоқли айёми — Наврузи олам. Қайга боқманг, зур тантана, шодиёна. Борлиқ байрам либосида. Биз ҳам ушбу байрамга узгача тараддулдандик. Мактабимиз ҳовлиси, гулзоримиз, боғимиз саранжом-саришта. Тантананага ташриф буюрган ота-оналаримизнинг баҳри-диллари чароғон.

Ашраф ака туфайли бизлар ҳам табиатни севишни, дов-дарахтлар билан «тиллашиш»ни, баҳор келиши билан оламнинг кундан-кунга узгара боришидан, ҳар бир ниш урган майсанинг буйидан завқланишни ургандик. Бунинг учун устозимиздан бир умр мўннатдормиз.

Фаррух ЗУФАРОВ,
Тошкент шаҳридаги 197-мактаб
ўқувчиси.

Дадахон ЁҚУБОВ.
ҲАР КУНИМИЗ ГАНИМАТДИР

Яна баҳор, яна Навруз,
Яна олам нурга тулди,
Дилимизда шукрона суз
Яна кўҳна қушиқ булди.

Бу қушиқни қушлар куйлар
Яратгандан сураб ризқ-руз,
Хас гиеҳлар ҳам шивирлар
Зумрад томчи тақса Навруз.

Очилган гул, е капалак,
Яшар эмиш фақат бир кун.
Қанотида не ишора,
Неларни у айтар бе ун?

Яна баҳор, яна Навруз!
Ҳар кунимиз ганиматдир.
Бир-бировнинг умрин
чўзмоқ —
Меҳр бермоқ — бир
неъматдир.

НАВРЎЗ БИЛАН КЕЛАДИ ШОДЛИК,

ВАРРАК САЙЛИ

Самода бирваракайига юзлаб варракларнинг учаётганини кўрганмисиз? Бу ажойиб манзара варракларини бир-бириникидан ўздиришга интилаётган болаларга қанчалик завқ беришини яхши биласиз. Сиз ҳам гуё варрак учирасиз, унинг янада юксак-юксакларга парвоз этишини, орзу истакларингизга эш бўлишини истайсиз. Ўзбекистон ешлар Иттифоқи, Тошкент шаҳар кўмитаси яқинда юзлаб болаларга ана шундай завқ-шавққа тўлиш имкониятини яратди.

Пойтахтдаги Юнусобод, Чилонзор, Ҳамза, Шайхонтоҳур, Акмал Икромов туманларидаги мактабларнинг ўқувчилари бунга алоҳида тайёргарлик кўришга киришдилар. Уни Ватанимизнинг Бош - Мустақиллик майдонида ўтказилиши иштирокчиларга ўзгача масъулият юкларди.

Ниҳоят, орзиқиб қутилган кун етиб келди. Байрамонга безатилган майдонга 550 дан зиёд ўқувчи йиғилди. Беллашув давомида варрак учирини шунчаки эрмак эмас, ўзига хос санъат эканлиги маълум бўлди. Ҳар бир иштирокчи варрак ясаш ва учирини ўз тажрибаси ва бор маҳоратини ишга



солди. Бироқ, бу борада Шайхонтоҳур туманидаги 94-мактаб ўқувчиларига тенг келадигани топилмади. Улар барча талаблар бўйича голибликни эгалладилар.

Ҳаяжонли ва ҳақиқий спорт курашларига хос мусобақа ортда қолди. Иштирокчилар бу тадбирни уюштирганларга ва унга хомийлик қилган "Миконд" заводи маъмуриятига миннатдорчилик билдирдилар. Яна улар байрам анча вақт давом этишини айтиб, барча болаларни варрак сайлига таклиф этишди.

Ўлат АЛИМОВ.

Бир мактабдан икки хабар

ЭНДИ МАЗЗА БЎЛДИ

Авваллари мактабимиз газлаштирилмаганди. Қишининг қировли кунларида қалин пальтолар ҳамда бош кийимларда ўтириб дарс ўтардик.

Туманимиздаги "Абдуҳолик Гиждувоний" номли хусусий кичик корхонанинг бошлиғи Салим ака Сайфиев савобли ишга қўл урдилар. Салим ака мактабимизни газлаштириш учун 500 метр узунликдаги газ труба, ҳамда 250 метр узунликда тиркагич олиб бердилар. Бу йил киш давомида иссиққона синф хоналарида мазза қилиб ўқидик. Бунинг учун Салим акадан беҳад миннатдоримиз.

Жамшид ҲАҚБЕРДИЕВ,
Фазлиддин АҲМЕДОВ,
Бухоро вилояти, Гиждувон туманидаги
17-мактаб ўқувчилари.

ГОЛИБЛИКНИ ҚЎЛДАН БЕРМАДИК

Баҳор келиб, кунлар илиши билан, мактабимизда темир-терсак йиғиш мусобақасини ўтказдик. Тез орада мактаб ховлисида улкан темир уюми ҳосил бўлди. Ҳисоблаб кўрсак, мактаб бўйича 4470 килограмм ноёб хом-аше жамлабмиз.

Биз ҳам мусобақада голиб чиқиш учун астойдил ҳаракат қилдик. Қаерда кераксиз темир-терсак кўрсак ташиб келавердик. Жамми 449 килограмм металлом йиғиб, мусобақада 2-ўринни қўлга киритдик.

Шу мактабнинг 5-"Г" синф қизлари.

Хонада шўх, еқимли куй таралаяпти. 4 ешли Робиябегим куй оҳангига монанд рақсга тушяпти.

Қизим тушмагур, яхшигина раққоса бўладиганга ўхшайди, — қизининг ҳаракатларини меҳр билан кузатар экан, хаёлидан ўтказди онаси.

Ҳақиқатан ҳам, кунлар ўтган сайин қизчадаги ҳавас улғая борди: Телевизорда чиққан раққоса сеҳрига махлиё бўлиб, уларнинг ҳар бир ҳаракатларини диққат билан кузатар, сўнгра ўзича такрорлаб ҳам кўрарди. Робиябегимдаги қизиқиш шунчаки бир ўткични болалик ҳаваси эмаслигини англаган Махфура опа унинг қўлидан тутиб, Малика Аҳмедованинг Нафис санъат мактабига етаклаб келди:

— Тўғриси, аввалига, бироз чўчигандим. Малика опанинг олдига киргач, қизимни зимдан кузатдим. Бегоналар олдида ҳаяжонланиб, яхши ўйнолмас керак, деган ҳадик бор эди кўнглимда. Йўқ, аксинча, боламисан, дегандай, ҳеч тортинмай куй оҳангига мос ўйнай кетди. Малика опа унинг бир-икки ҳаракатларини кўриб: "бўлди-бўлди, етарли, оламан" деб юбордилар. Шу-шу, мана икки йилдирки, Малика опадан сабоқ олиб келяпти. Мактабда фақат рақс тушишни эмас, қиз боланинг юриш-туриши, кўча-куйда, мактабда, одамлар орасида ўзини қандай тутиши ҳақида ҳам сабоқлар бериб бориляпти. Бундан беҳад хурсандимиз. Қизимнинг мактабда ҳам ўқишлари аъло. Айниқса, инглиз тилига иштиёқи баланд...

Робиябегимнинг 1994 йили апрел ойида Туркияда бўлиб ўтган болалар фестивалида қатнашиб, лауреат бўлиб келгани санъат мактабиди ҳам, унинг оиласида ҳам

ЭНГ ЯХШИ ТАРБИЯЧИ

Ёшлик чоғларимиздан бошлаб барчамизга қадрдон ва яқин бўлиб қолган бир инсон бор. У бочка опаларимиздир. Улар бор меҳрлари, ақду идроклари, қолаверса бутун маҳоратларини ишга солиб бизга тарбия берганлар ва хотирамизда илиқ таассуротлар қолдирганлар.

Яқинда юрагимиз тўридан бир умрга жой олган ана шу опажонларимиз ўз билимларини янада ошириш мақсадида ўзаро куч синашдилар.

Беллашув "Туркистон" деб аталмиш мухташам саройда ўтказилди. Ушбу мусобақадан яна бир мақсад "Республика йил тарбиячиси" ким эканлигини аниқлаш эди.

Жонажон ватанимизнинг турли вилоят ва туманларидан келган 14 нафар энг яхши тарбиячи аввал тест сновларидан ўтишди. Кейин "Бола тарбиясига эътибор деганда нимани тушунасиз?", "Қасбим — фахрим", "Бўш вақтни қандай ўтказса фойдали бўлади?" каби мавзуларда куч синашишди. Республика Халқ таълими вазири Жўра Ганиевич Йўлдошев, Абдулла Авлоний номидаги Республика ўқитувчилар малакасини ошириш институти ректори, профессор Ғайрат Баҳромович Шоумаровлардан иборат бош ҳакамлар мусобақани диққат билан кузатиб бордилар.

Ниҳоят беллашув голиблари ҳам аниқланди. Биринчи ўрин қорақалпоғистонлик Гулбаҳор опа Сапаровага, иккинчи ўрин тошкентлик Нодира опа Зиёевага, учинчи ўрин эса фарғоналик Мархабоҳон опа Абдумасидовага насиб этди. Голибларга "Республика йил тарбиячиси" нишони ва гувоҳномаси, голиблик дипломи ҳамда Халқ таълими вазирлиги ва бошқа бир қанча хомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Ўзига хос байрамга айланган тадбирда хушовоз хонандалар Нуриддин Ҳайдаров, Азим Муллахонов, Мавлуда Асалхўжаева, раққоса Гулмира Ширинова ва бошқа санъаткорлар ўзларининг чиқишлари билан барчани мамнун этдилар.

Олимжон ТЎХТАНАЗАРОВ.

ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Хоразмча, бухороча, туркча, арабча, фарғонача, хиндча рақсларини томоша қилган Ўзбекистон Халқ артисти Фаррух Зокировнинг ҳам унга назари тушиб қолди. "Туркистон" саройида бўлиб ўтадиган катта-катта концерт дастурларида ҳам қатнаша бошлади. У Ф. Зокиров ижро этган "Келибди" номли кўшиққа келинчақларга хос ҳаё, ибод, назокату тароват билан хиром этса, "Жиннури"га рақсга тушганда оёғининг остидан ўт чақнайди. Бу йил янги йил арафасида бўлиб ўтган арча байрамида ижро этган "Туллар маликаси" рақси

САНЪАТ ОЛАМИГА КЕЛИНЧАКДЕК КИРИБ КЕЛ



кўпчилигининг ҳамон кўз ўнгиди. Ўша пайтларда унга ҳавас билан боқмаган, чин дилдан олқишламаган томошабин қолмади, ҳисоби.

Ўзбекистон телевидениеси адабий-драматик курсатувлар бош редакцияси режиссери Ҳамид ака Қахрамонов ҳам унинг санъатига шайдо бўлиб, "Робиябегим жил-



оси" номли видеофильм яратдилар. Таниқли режиссёрдан: "Фильмингиз қахрамони қилиб нима учун айнан Робиябегимни танладингиз?" деб сўраганимизда:

— Менинг ўз ҳаёт қонуним бор: қахрамоним таниқли, машҳур бўладими еки йўқми, қатъий назар, у ҳақиқий истеъдод эгаси бўлиши лозим. Тошкентда бўлиб ўтган болалар фестивалларидан бирида Робиябегимнинг завқ-шавққа тўлиб рақсга тушганини кўриб, "Маъмура, Малика, Дилфруз, Қизлархонлар ўрнини боса оладиган янги бир рақс юлдузи кашф этдик" деган эдим ўзимга-ўзим. У ҳақда фильм қилиш нияти ҳам ўшанда тугилганди. Мана ниятимга етдим. Энди гапни Робиябегимнинг ўзидан эшитайлик:

— Малика опа менинг биринчи ва энг суюкли устозимдирлар. Устозимнинг мендан умидлари катта. Келгусида уларнинг ишончларини оқласам, Малика опамдек рақс маликаси бўлсам, дейман.

Опоқ кўнглингдек бегубор, нурафшон орзуларинг ҳамроҳлигида Санъат оламига кириб келаётган экансан таширфинг кутлуг бўлсин! Ҳаё билан, ибод билан келинчақдек хиром этишинг боис, бир умр рақс оламининг келинчағи бўлиб қол. Олам гўзаллигини, одамизод улугворлигини заковатинг, назокатинг, билимдонлиги зукколингни билан нафосат оламида намоён эт!

Юлдуз хон.

Эмгир ёзди, камалак чизди,
Кўшми уйдан сумалак чизди.

НАВРЎЗ БИЛАН ЭЛДА ОБОДЛИК!

БОБУР ҚОБУЛДА

Улғурбек Мирзо Қобул яқинидаги тоғ этагида бир бор барпо қилган бўлиб, уни Боғи Наврўзий деб атаган эди. Бобур Мирзо ана шу Боғи Наврўзийда баъзан аркони давлати билан, баъзан оиласи билан сайр қилганлар, гул мавсумида боғнинг латофатидан баҳраманд бўлганлар. Бобур Мирзонинг езишича, оналари — Қутлуг Нигор хоним шу борда дафн этилганлар.

Бобур Мирзо 1503-1504 йиллар воқеаларини “Бобурнома”да баён қилар эканлар, Ҳиндистонга биринчи юришлари пайтида Гўмал дарёси бўйига етиб келганларида Навруз ва Ййди фитр (Рамазон ҳайити) бўлганлигини эслайдилар. Бобур Мирзо шу ерда “Ййди ғусулига машғул” бўлиб, дарёда чўмилганлар. Сўнгра қўшинлари билан биргаликда Ййди намозини ўқиганлар. Бобур Мирзо ушбу тафсилотларни ёзар эканлар: Наврўз ул Ййдқа евук (яқин) келиб эди. Тафовут бир-икки кун эди, ул тақриб била бу ғазални айтиб эрдим”, дейдилар ва шу кун Ййди рамазон ҳамда Наврўз муносабати билан ёзган ғазалидан икки байт келтирадидилар:

Янги ой ер юзи бирла кўруб эл шод байрамлар,
Манга юзи қошингдин айру байрам ойида ғамлар.

Ози Наврўзи васли Ййдини Бобур ғанимат тут,
Ки мудин яхши бўлмас, бўлса юз Наврўз байрамлар.



Демак, Беҳроза опамиз айнан ана шундай яхши кунларнинг бирида таваллуд топган эканлар. Шундан бўлса керак, ўзларига ҳам, ўзгаларга ҳам фақат яхши кунлар ҳамроҳ бўлишига тилакдош бўлиб яшайдилар. Беҳроза опани республикамиздаги жуда кўплаб журналист ака-опаларингиз ҳақли равишда “устоз” дея ардоқлашади. Бунинг боиси бор албатта. Опа узоқ йиллардан буён Тошкент Давлат олийгоҳининг журналистика куллиети, машинкада ёзиш хонасининг мудираси бўлиб ишлаб келадилар. Журналистикага энди-энди қадам қўяётган чоғларимизда “Едингизда бўлсин, машинка — журналистнинг нони” деб тайинлардилар. Устоз ўғитларининг нечоғли асосли эканлигини биз шогирдлари энди англаб етгандим.

Наврўз айёми арафасида опа билан дилдан суҳбатлашдик. Ҳаёт йўллари, болалик хотиралари ҳақида илтиқ билан шундай ҳикоя қилдилар:

— 1-синфда ўқиб юрган пайтларимда, ўқитувчи бўлишни жуда-жуда орзу қилар эдим. Яна айнан 1-синф ўқувчиларига дарс берсам дердим. Негаки, ўзим жажжигина қизалоқ бўла туриб, қандай қилиб юқори синф ўқувчиларига дарс бераман, деган ташвиш бор эди мурғак тасаввуримда. Орадан йиллар ўтди, бизлар ҳам улғая бордик. Орзу-хаваслар ҳам ўзгарди...

Опам Шарофат Усмонова кўп йиллардан буён Ёзувчилар Уюшмасида машинкачи бўлиб ишлаб келардилар.

Айрим кунлари улғурмай қолган ишларини уйда ёзардилар. Мен эса уларнинг бири-бирига гал бермай ҳарфлар устида чаққон ҳаракатланаётган бармоқларига ҳавас билан термулардим. Буни пайқаган опам менга ҳам ёзишни ўргата бошладилар.

Буни қарангки, бир ҳафта ичида машинкада ҳеч тўхтамай, беҳато эза оладиган бўлиб қолдим. Уша даврларда 14 ешларда эдим. 7-синфни тамомлаб, ёзги таътилга чиққан кунларимизда “Ленин учқуни” (ҳозирги “Тоғ юлдузи”) газетасида вақтинчалик машинкачи бўлиб ишладим. Шу қисқа фурсат кейинчалик ҳаётимда бурилиш ясашга туртки

беҳад мамнунман. Қўлимдан қанчадан-қанча илмий ишлар, монографиялар, диссертациялар, дипломлар, дарсликлар, докторлик диссертациялари ўтмади дейсиз?! Уларнинг ҳар бирига худди ўз ишимдек қарардим, муваффақиятига астойдил тилакдош бўлардим... Кўрсатганига шукур, Ҳаёти

мдан мамнунман. 3 ўғлим, бир қизим бор. 12 набиранинг суюкли бувисиман. Ҳаётимдан мағизи тотли бўлар экан. Набираларим бири биридан ширин. Айниқса, Улғурбек исмли набирамга меҳрим бўлакча. Шулар менинг ҳаётим, умрим мазмуни. Ишқилиб, умрлари узоқ бўлсин!

Ҳа, дарҳақиқат, Беҳроза опа бахти ҳам, тахти ҳам бекаму кўст бўлган пиру бадавлат онахонларимиздан. Инсонлар ўз умрларини турлича яшаб ўтадилар. Кимлардир сервиқор, азим чинор умри-

БЕҲРЎЗА — ЯХШИ КУН ДЕГАНИ



берган бўлса, ажаб эмас. Менга ёзиш учун берилган кўплаб қизиқарли ҳикоялар, ўйноқи ва равон ёзилган шеърларни кўчириб бўлгач, яна бир бор мароқ билан ўқиб чиқардим. Бора-бора бу касбга қизиқишим орта борди.

Ёзган сари янада тезроқ ёзим келардим. Бўш қолдим дегунча, керак, но-керак нарсаларни ёзаверардим, ёзаверардим...

Тақдир тақозоси билан мактабни тамомлагач, Низомий номли педагогика олийгоҳининг мактабгача тарбия куллиетига ўқишга кирдим. Лекин машинкада ёзиш касбига бўлган иштиёқ зўр чикди. Мана, 1960 йилдан буён шу касбни ардоқлаб келяпман ва бундан

дек боқий умр кечирадилар. Ўзгаларга зиёни ҳам, нафи ҳам тегмайдиган бундай инсонлардан охир-оқибатда ҳеч нарса қолмайди. Беҳроза опанинг умрини эса сояси ҳам, неъматини ҳам бисёр бўлган беозор тут дарахтига қиёслагим келади. Кўплаб шогирдлар — унинг мевалари. Опани таниган-билганлар, қизлари, набираларига опага ўхшаб юрсин дея “Беҳроза” деб исм қўйганлар фикримга қўшилишади, деган умиддаман.

Феруза ЖАЛИЛОВА.

Суратларда: Кексайган чоғда Беҳроза опадек фарзандлари, набиралари ардоғида бўлиш, нақадор бахт!

Р. АЛЪБЕКОВ туширган сурат.

ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ ДОЛА САЙЛИ

Лола, лола, лолажон,
Усар жойинг далада.
Лола, лола, лолажон,
Чидадингми жалага?
Жала егса кўркмагин,
Селлар оқса кўркмагин.
Қизлар тақса кўркмагин,
Сайидимиз шўх бўлсин,
Дарду алам йўқ бўлсин.
Сен қип-қизил яшнагин,
Оқ кўнгиллар тўқ бўлсин.
Юр, сайилга борайлик,
Лолаларни кўрайлик.
Кучоғимиз тўлдириб,
Лола гуллар терайлик.
Ернинг қони — лолажон,
Ернинг жони — лолажон.
Лола сайлига келиб
Кўрдик сени, лолажон!

Ҳей, Лола!

Лолачага ишим бор, Ҳей, лола!
Киссамда кишимшим бор, Ҳей, лола!
Кишимш бўлса майлига, Ҳей, лола,
Қиз болада ишим бор, Ҳей, лола!
Том устига шёла, Ҳей, лола,
Ичи тўла гул-лола, Ҳей, лола.
Нари туринг бўз бола, Ҳей, лола,
Уялади қиз бола, Ҳей, лола,
Урдак кетиб, роз қолсин, Ҳей, лола,
Душман ўлсин, дўст қолсин, Ҳей, лола.
Югур-югур, мен турай, Ҳей, лола,
Бошини гулга ўрай, Ҳей, лола.
Сенга келган балога, Ҳей, лола,
Ўзим кўндаланг бўлай, Ҳей, лола!

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР, КЎРИК-ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Республика “Маҳалла” жамғармаси “Энг яхши китоблар болаларга!” шiori остида болаларга атаб езилган энг яхши китобларнинг йиллик кўрик-танловини ўтказди.

Кўрик-танловга мустақиллик, мил-

лий давлатчиликни мустақамлашга, ватанпарварлик, қаҳрамонлик, инсонпарварликни шарафлашга бағишланган қизиқарли, болаларбоп тилда ёзилган янги асарлар қабул қилинади. Кўрик-танлов якуни ҳар йили Мустақиллик куни арафасида эълон қилинади.

Республика кўрик-танловида голиб чиққан муаллифлар фахрий ёрлик ва пул мукофотлари билан тақдирланадилар.

Улар қуйидагича белгиланди:

КИЧИК ВА МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР УЧУН:

Навр: (қисса, туркум ҳикоялар) — 10 минг сўм.

Навр: (достон, шеър, туркум, кўшиқлар туркуми) — 10 минг сўм.

Адабий-тарихий мерос (“Ўлкамизни ўрганамиз” мавзусидаги маърифий асарлар) — 10 минг сўм.

ЎРТА ВА КАТТА МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР УЧУН:

Навр: (роман, қисса, ҳикоялар

тўплами) — 10 минг сўм.

Навр: (достон, шеър, тўплам, туркум кўшиқлар) — 10 минг сўм.

Адабий тарихий мерос: (“Ўлкамизни ўрганамиз” мавзусидаги маърифий асарлар, публицистик туркум ҳикоялар) — 10 минг сўм.

Қўләзмалар ҳар йилнинг 1 июнигача “Қўлпон” ва “Камалак” нашриётларида топширилади.

Ҳолиб асарлар бир йил ичида китоб ҳолида нашр этилади.

Дўнлар чалган дўмбирасига
Рақс этгани гул-чечак чукди.

Абдухамид эшик олдига уч туп кучат ўтказди. Аввал тупроқни яхшилаб юмшатди. Утган-кетганларга салом бериб, улар билан суҳбатлашар экан, қилаётган ишидан кўнгли завқ-шавққа тўлди. Бобосининг тол эксанг, тагини хўл қил, ток эксанг тагини чўл қил, деган гапини эслаб, кўчатларнинг ўқ илдиэларига алоҳида аҳамият билан қаради. Кавланган чуқурларга товугининг донидан бир ҳовуч сепишни ҳам унутмади. Чунки бугдой ва тарик аралашмаси пўпанак ҳосил қилиб, илдиэ намлигини сақлаши, унинг тезроқ ўсишини таъминлаши тайин эди. Аслида бунга кўчадан ўтган Собит аканинг маслаҳати сабаб бўлди. Кейин ўғитли тупроқдан келтирди. Бу тупроқни кеч кузда кўйхонасини тозалаб бир четга уюб кўйганди. Дадасининг сўзига кириб ўша чиқиндиларнинг устини тупроқ билан кўмиб кўйгани, яхши бўлибди. Шу қадар майин, шу қадар бўлиқ ўғитлар эдики, улар ўз ишига Абдухамиднинг яна рағбати ошди. Сўнгра чуқурлар ёнига челақда сув келтирди-ю, барибир битта ёрдамчи кераклигини англади. Ўйлаб ўтирмай топқиллаб уйга кирди-да, жияни Шерзодни чақирди. Шерзод ҳам самокатини шигиллатиб бирпасда етиб келди. Узининг укаси бўлганда ҳаммиша ана шунақа яхши ишларини унга ўргатиб, очиги унга иш буюриб, акаларча муомаласини кўрсатиб юрарди. Лекин ўзи акаларига ука. Демак, Шерзод ҳам унга ука қаторида. Шерзод кўчатларни ушлаб турди. Абдухамид бир челақ сувни чуқурга ағдарди. Ўғитли тупроқдан солди. Сўнгра аста-секинлик билан қолган тупроқларни тарта бошлади. Тарикча ҳам ҳаво чиқарган жой қолмаслиги керак, деб Шерзодга ўқтирар экан, иккаласи биргалашиб, тупроқни мустаҳкам тегиб ҳам чиқишди.

Кечкурун уйкуга ётар экан, кўрпани бошига тортиди-ю, негадир Абдухамиднинг кўзи олдига ўзи эккан олма кўчати гавдаланди. Нашвати-ю, кўксултондан нозик эди-да унинг новдалари. Ҳозир ҳам дилдираб турган бўлса керак. Ишқилиб кўй-кўзилар еб кетмасин-да! Эрталаб Шерзодни чақиради, биргалашиб тиканакли девор қилишади.

Йўқ, эрталаб бутунлай бошқача манзара намоян эди. Айнан ўша олма кўчати ўрнидан сугурилиб, ғойиб бўлганди. Кўй-кўзи еган бўлса изи қоларди, аммо... Абдухамиднинг ҳаёлига эҳтимол Шерзоднинг ўзи олиб кетгандир, ёки Бехзод олдимиқан-а, деган гап келди. Йўғ-е, жон кўйдириб ишлади-ку Шерзод ҳам. Акасининг орқасидан келган Бехзод ҳам хайрихоҳ бўлиб қараб турди-ку! Бу дарахтлар катта бўлиб мева берадиган бўлганда биз Ҳожиакбар акамдай бўламиз-а, деб ният ҳам қилишди-ку. Қолаверса, олма кўчати велосипеднинг гилдираги ёки самокатнинг

рули эмас-ки, бу ака-укалар ўзимизга ишлатамиз, деб олиб кетишган бўлса, Чунки Абдухамиднинг томда ётган ёки ер тўлада шумшайиб турган ана шундай темир-терсақларини писибгина тинчитишган эди улар. Лекин кўчатни олганга ўзи ҳаёл қилиб, яна ўзи айнади. Аммо нима қилиш керак? Шерзодга кўнгирак қилди. Яна Шерзод бир зумда етиб келди. Бу ҳолатдан ҳам хайратга, ҳам ҳаяжонга тушганча, янги кўчат топиш чорасини излай бошлади. Кўчат ҳам топилар, унинг ўрнига экилар. Аммо ўша нозиккина олма кўчати қаерлардадир қовжираб, қорайиб ётмаган бўлсин-да, майли кимнингдир чорвоғида туб кўйиб, палак ёзсин. Аммо аллақайси қалбсиз кимсанинг айби билан... Йўқ, йўқ Абдухамид ҳам, Шерзод ҳам ўша олма кўчатига узоқ умр тилашди. Ва, яна ишга берилишди.

Сиз-чи болалар? Сизлар ҳам кўчат экканмисизлар? Кўчатингиз ушиб-улғайиши учун заҳматлар чекканмисизлар? Ҳар бирингиз биттадан кўчат эксангиз, унинг ўсиб-ўниши учун ҳаракат қилсангиз, мамлакатимизнинг қарийиб ҳамма ёғи боғ-роғга айланиб кетарди. Мевасидан ўзингиз ердингиз. Соясида укаларингиз ўтирарди. Баҳорги ҳаракат, кузги баракат деб ота-боболаримиз бежиз айтишмаган. Баҳор қиши боқади. Унинг ҳар бир куни йилга татийди. Қарасанг боғ унар, қарамасан тоғ. Наврўз — янги кун дегани экан, Ҳар ким янги кўйлак кийсам, янгиликка интилам дейди. Янги кўшиқ айтсам, ёмонликдан қайтсам, дегувчилар ҳам сон-саноксиз. Мусича-ю, кумрилар ҳам янгича оҳангда кўйлаб кунни уйғотиш илжинида бўлади. Бинафша-ю, чучмоқлар ҳам хур жамоли, муаттар ифори билан ўзини намойиш қилсам дейди. Кўй-кўзилару курт-қумурсқаларда ҳам ўзгача уйғониш, олам оройиши, осудалигини тилловчи бир кайфият. Қалдирғочлар қайтиб келмоқда, турналар кўшигини айтиб. Қиш бўйи димиқан тупроқдан ҳам бир ажиб кўй таралмоқда. Яратиш, яшнатиш, завқи билан хуррам кекса-ю, ёшнинг нигоҳи гўзаллик излайди. Айқириб, ҳайқириб оқмоқни урганган анҳору сойларни оппоқ гулдас-тага айланган ўрик дарахтлари хуррам қаршилайди. Ҳа, Наврўз — дарахт шохсиз, шон-шўҳрат эса сафдошсиз, дустиз бўлмаслигини эслатадиган айём. Дарахт дарахтга, одам одамга суянишини кўз кўзлайдиган палла.

Хуллас, кўчатни ким кўчирди? Мабодо олма кўчати улкан дарахт бўлиб кимнингдир чорвоғида ҳосилга кирса уни Абдухамид ҳам, Шерзод ҳам дилдан кечирди. Аммо... келинг бошқача ҳаёлга бормайлик-да кўлимизга кетмон олиб боғ яратишга бел боғлайлик.

Умида Мурод қизи.

КўЧАТНИ КИМ КўЧИРДИ?

ЧАҚИМЧИГА

(А. Ориповнинг «Оломонга» шеърига ўхшатма)

Дарсдан қочганим-да қаяқда эдинг,
Сирим очганимда қаяқда эдинг.

Суриштирганмидинг ўртоқлардан ё,
Ёпишиб қолганми сенга шу бало.

Гийбатлар тўқилур сенинг номингдан,
Сирлар ҳам чақилур сенинг номингдан.

Нимасан? Қандайин сеҳрли кучсан,
Нечун гап пойлашга бунчалар ўчсан.

Қаршингда ҳасратли ўйга толаман,
Қачон одам бўласан эй, тили ёмон?

Шоди ОТАМУРОДОВ

Тошкентдаги нафис санъат лицейи ўқувчиси.

«ХУМО» ҚИЗЛАРИ

Гурлан туманидаги Бобур номли мактабда куп йиллардан буён «Хумо» ашула ва рақс ансамбли фаолият кўрсатиб келмоқда.

Болалар ва усмирлар уюшмаси ташаббуси билан ташкил этилган бу ансамблга бадиий ҳаваскорлик тугараги қатнашчилари аъзо бўлишган. Кичик жамоага мусиқа ўқитувчиси Оллоберган ака раҳбарлик қилади. Рақсларни эса Муҳаббат опа Қаландарова саҳналаштиради.

«Хумо»нинг қизиқувчан қатнашчилари доимо изланишда. Улар турли хил куриктанловларда иштирок этиш билан бирга корхона ва ташкилотлар, қишни мактаблар, болалар боғчаларига уз концерт дастурлари билан тез-тез ташриф буюриб туришади. Улар баҳор байрами Наврўзга атаб ҳам катта дастур тайерлашди. Малоҳат Нуриллаева, Феруза Аллаберганова, Нилуфар Маҳмудова, Янгилжон Аминова, Назокат Абдуллаева каби қушиқчи ва раққосалар янги қушиқчи ва рақслар урганишяпти.

Муҳаббат Жумабова,
Хоразм вилояти, Гурлан тумани, Усмон Юсупов номидаги мактаб ўқувчиси.

Болаларни жондан севган Маҳфуза опа Қибрай туманида ташкил этилган «Қизил шапкача» номли ногирон болалар шифохонасида даволанаётганлар учун 4 та синф ташкил этилди. Шифохона ёнида жойлашган 42-мактаб ўқитувчилари ногиронлар ҳузурига келиб дарс берадиган бўдилар. Опа масъул иш билан банд бўлишига қарамай ҳафтанинг шанба куни шифохонада бўлиб, тарбиявий соат дарсини олиб борди. Бундан шифохона ходимлари, ота-оналар, айниқса болалар хурсанд бўлишди. Улар меҳрибон тарбиячига шундай урганиб қолдиларки, агар Маҳфузахон бирор соат кечикиб келгудай бўлса, ташвишда қолардилар.

Кейинчалик Маҳфуза опа Республика ўқитувчилар уйига методист бўлиб ишга ўтди. Аммо меҳрибон аёл ўқувчиларини ташлаб кетолмади. Ҳамон ҳафтанинг шанба кунини шу ногирон болаларнинг ҳузурига ўтказиб келаяпти. Ҳар сафар у ерга борганида бирор бир совга — салом олиб боради. Шифохона болалари ҳам шу тартибга урганиб қолдилар. Бордию, бирор марта, бир сабаб билан келмай қолса, ўқувчилар ҳафа бўлиб, ҳатто баъзи қизлар овқатланмай кутиб ўтирар эканлар. Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдик. Маҳфуза опа март ойидаги дарсларнинг бирида наврўз байрами ҳақида болаларга тушунча бергач, келгуси ҳафтада сумалак олиб келишни ваъда қилди.

Маҳфуза опа уйда уни килограмм бугдойни тозалаб, намлаб кўйган эди. Бироқ устиришга кўйилган бугдой ҳаво салқин келгани туфайли уз вақтида етилмади.

Болалар эса, бу еқда наврўз байрамига катта тайёргарлик қўра бошлашди: қушиқ, шеърлар, рақслар урганишиб, ҳатто баъзилар узлари шеърлар ҳам тўқишди.

Бироқ ўша кунни қадрдон опалари келмагач, ҳеч

кимга байрам ҳам, уйин-кулги ҳам татимабди. Улар ҳатто тайёрланган таомларга қўлларини ҳам теккизишмабди. Айниқса Доно билан Дилфузаларнинг чехраси сира очилмабди. Улар туни билан йиғлаб чиқишди...

Эртасига кеча байрамни кунгилдагидек ўтказа олмаган болалар барвақт туриб қайтадан тайёргарлик бошлашди. Доно билан Дилфуза опаларини кутиб олиш учун машина бекати томон чиқиб кетдилар. Орадан ярим соат утар-утмас:

— Урре, Маҳфуза опам келаяптилар, наврўз энди бўлади! Дейишди қувониб.

Ҳамманинг, ҳатто доимо ётувчи мажруҳ болаларнинг нигоҳи ҳам кўча томонда эди. Икки оёғи ногирон Собир ҳам Маҳфуза опани кутиб олиш учун судралганча хона эшиги олдига чиққан эди.

Зал қайтадан безатилди. Доно, Дилфуза каби қушиқчи, раққоса қизлар тезла ясаиб-тусаниб чиқишди. Ҳатто юра олмайдиганларни ҳам аравачалар билан залга олиб киришди.

Маҳфуза Қосимова кечиккани учун болалардан узр сураб, ўзи даврага тушиб уйинни бошлаб берди. Сўнг барча уйнади. Бу тантаналарни аравачасида утириб кузатаётган Шуккур ўзи ҳақида ёзган Тимсоҳ деган шеърни ўқиб берди. Шеър шу қадар мунгли эдики, кеча иштирокчиларининг кузларида ёш қалқди.

Байрам давраси кечгача давом этди. Ногирон болалар шу қадар хурсанд бўдиларки, бундан хотиржам булган Маҳфуза опа ўзи билан бирга келган икки набирасини олиб шаҳарга қайтди.

Ҳамидулла Йўлдошев,
фахрий ўқитувчи.


ЭЗГУЛИКНИНГ КЕЧИ ЙЎҚ

шаҳридаги гимназиянинг 1-синф ўқувчиси Абдуғофур Нортоев ҳали кичкина бўлишига қарамай, узининг одатдан ташқари билими ва ҳаракатчанлиги билан барчани ҳайрон қолдирмоқда эди. У мактабдан келди дегунча она тили, рус тили, инглиз тили сингари фанларни чуқур урганишга киришар, электрон ҳисоблаш машинасида машқ қилиш билан қизикар, хуллас кўчага чиқишни ҳаёлига ҳам келтирмасди.

— Авваллари набирамнинг ҳадеб дарс тайёрлайверишидан чўчирдим, — дейди М. Нортоева. — Кейинчалик эса унинг спортга, музикага, китоб ўқишга ҳам бошқа фанлар билан баб-баробар қизиқишини куриб хотиржам бўлдим. Ҳозир набирагинам ўзи аъло ўқиш билан бирга ўртоқларига ҳам ёрдам беради, ота-онасига ҳам меҳрибон. Одобли, катталарнинг сўзини икки қилмайди.

Биз Абдуғофурнинг ўқитувчилари, ўртоқларидан ҳам фақат мақтов эшитдик. Ва биз ҳам уни фақат мақтадик.

П. СИЛИН,
Келес шахри.



Аълочилар ҳақида ҳикоялар

ФАҚАТ МАҚТОВ ЭШИТДИК

Кўчага отланган Муаззам опа алланима ёдига тушдию, ортига қайтди. Паст овозда набираси Абдуғофурни чақирди. Жавоб ололмагач, унинг дарсониси эшигини очди. Абдуғофур магнитофоннинг махсус эшитиш муруватини қўлоқларига олганча кузларини юмиб, инглиз тилида қандайдир сўзларни такрорларди.

— Болам, ақалли дам олиш кунлари кўчага чиқиб ўртоқларинг билан уйнагин, — деди буви магнитофонни учириб қўйгач, — ахир бунақада...
— Бувижон, дарс тайёрлаш, чет тилларини урганиш, ўқиш менга жуда ёқади, кўчага сира чиққим келмайди, — бувисини тинчлантирди набира. Бу уринда буви ҳам, набира ҳам узларича ҳақ эди. Сабаби, Келес

Бош муҳаррир
Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА,
Дадахон Ёқубов,
Сафар БАРНОЕВ,
Сайридин ХОЛОВ (масъул котиб)

Газета ҳафтанинг сешанба куни чиқади.
Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин ўқуни» номи билан чиқа бошлаган.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефон: 33-44-25

IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди.
Ҳажми — 1 босма табоқ
Буюртма — Г-0111
11.000 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топширилган вақти 19.00
Топширилди — 18.30